

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази

**МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
ТЎҒРИСИДАГИ
ИШЛАР БЎЙИЧА АДВОКАТ
ИШТИРОКИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Baktria press
Тошкент – 2022

УЎК

Рабиев Ш. М., Шакуров Р. Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича адвокат иштирокининг хусусиятлари: Ўқув-амалий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022. — 48 б.

Ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий кенгаши мажлисида 2022 йил 21 апрелда муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган (9-сонли баённома).

Тақризчилар: Отажонов А., юридик фанлар доктори, профессор
Алимов Г., юридик фанлар номзоди, доцент

Ўқув-амалий қўлланмада маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг айрим жиҳатлари ва мазкур муносабатларда адвокат иштирокининг айрим хусусиятлари ёритилган ҳамда назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида назорат саволлари, тест топшириқлари ва амалий машқлар келтирилган.

Адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий юридик таълим ўқув муассасалари талабалари ва курсантлари ҳамда юристлар малакасини ошириш маркази тингловчилари учун мўлжалланган.

ISBN

© Ш. М. Рабиев, Р. Р. Шакуров, 2022

© Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022

© Baktria press, 2022

КИРИШ

Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича қонунда белгиланган ёшга тўлганда, айрим ҳолларда фуқаролар ўзлари англамаган тарзда ёки била туриб қайси бир ижтимоий муносабатларнинг иштирокчисига айланадилар. Мазкур ижтимоий муносабатларнинг аксарияти турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бундай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар қаторига маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам киритиш мумкин. Мазкур муносабатлар давлат бошқаруви ва маъмурий-деликт муносабатларга ажратилади.

Давлат бошқаруви муносабатларини тартибга солувчи маъмурий ҳужжатларда белгиланган талабларни, қоидаларни бузиш ёки мажбуриятларни бажармаслик, қонунларда белгиланган ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилади ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда — МЖтК деб юритилади) билан тартибга солинадиган маъмурий-деликт муносабатларини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилган, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг объектив кўриб чиқиш вазифасининг амалга оширилишини таъминлашда адвокатнинг фаолияти ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ўз навбатида, адвокатдан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинган муносабатларни яхши билиши ҳамда улардаги адвокатга берилган ҳуқуқ ва вазифаларни чуқур англашини талаб этади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишга оид асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, бу — 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йилнинг 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари муҳим аҳамиятга эгадир. Пленум қарорларида келтирилган раҳбарий кўрсатмалар, суд амалиётида вужудга келаётган айрим муаммоли масалаларни қонун доирасида тўғри ҳал этишда тегишли ор-

ган (мансабдор шахс)ларга ёрдам беради. Хусусан, бундай Пленум қарорлари қаторида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини келтириш мумкин. Чунончи, Олий суд Пленуми қарорлари адвокатга маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга самарали юридик ёрдам кўрсатишда ҳам аҳамиятли. Жумладан, адвокат



ўз важларини асослантириш учун Олий суд Пленуми қарорларига мурожаат этишга ва улардаги раҳбарий кўрсатмаларга таянган ҳолда келтириლაётган ҳимоя позициясини илгари суриши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг моддаларида келтирилган диспозицияларнинг аксарияти, бланкет хусусиятга эга эканлиги, ушбу моддаларда ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормаларида белгиланган махсус қоидаларга (қоидалар, талаблар, йўриқномалар ва ҳ.к.) ҳавола қилиш талаб этилади. Масалан, ҳуқуқбузар томонидан МЖтК 101-моддасида (“Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш”) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари, Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” га мурожаат этиш керак бўлади.

Маълумки, адвокатнинг мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 349-І-сон “Адвокатура тўғрисида” ги қонуни билан тартибга солинган ва белгиланган.



Мазкур қонунга 2018 ва 2019 йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши натижасида адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилди, адвокатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритишнинг барча босқичларида тортишуви принципи асосида иштирок этишга, самарали кафолатлар яратилди. Жумладан, адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинган (МЖТК 197¹-моддаси) тақдирда, адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўз аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси тўғрисидаги маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, вақтни ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳам адвокат фаолиятининг кафолати сифатида қаралиши мумкин.

Адвокат фаолияти кафолатлари қаторида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуннинг 80-моддасига (“Ундирувлар навбати”) асосан, адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳақи қарздордан биринчи навбатда ундириладиган пул суммалари қаторида келтирилганлигини таъкидлаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича адвокатнинг иштирокини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд ҳамда ушбу муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кафолатлар етарли.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШДА АДВОКАТ ИШТИРОКИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган ёки маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқлари қаторида, ишни кўриб чиқиш жараёнида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиши кўрсатиб ўтилган (МЖтК 294, 295-моддалари). Бунда, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонун 5-моддасининг (“Адвокатлик фаолиятининг турлари”) 1-қисми тўртинчи хатбошисида таъкидланганидек, адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади.

Адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда, ҳуқуқбузарни маъмурий йўл билан ушлаб туриш пайтидан бошлаб қатнашиши мумкин (МЖтК 297-модда 1-қисми).

Шу билан бирга мазкур қоида, мижоз билан тузилган шартноманинг мавжудлигида, адвокатнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённоманинг тузилишида қатнашишини ва жараёни кузатиб боришини чекламайди. Адвокат фаолиятининг мазкур жиҳати, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 349-І-сон “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунида адвокатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритишнинг барча босқичларида тортишуви принципи асосида иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш маъмурий процесс таркибидаги маъмурий юрисдикциявий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, қуйидаги ҳаракатлар мажмуидан иборат:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқариш. Хусусан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, ваколатли орган (мансабдор шахс)га тааллуқли бўлган айрим маъмурий ҳуқуқбу-



зарликлар бўйича баённома тузишга ҳамда маъмурий жазо тайинлаш ҳақида қарор чиқаришга ёхуд маъмурий баённома тузиб, уни тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда МЖтК 282-моддасига мувофиқ жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига юбориш ҳуқуқини беради¹.

- Қонунда белгиланганидек, ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътироз билдирса, у ҳолда баённома тузилади (МЖтК 283-моддаси).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан МЖтК ХХ бобида келтирилган тартибда, мазмунда ва тегишли қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилиши керак. Жумладан, баённома тузиш тартибига қўйиладиган қоидалар қаторида, унинг мазмуни билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни, гувоҳ ва жабрланувчилар (агар улар бўлса) таништириш ва бу ҳақда баённомага имзо қўйишни келтириш мумкин. Шунингдек, қонун ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга баённомани имзолашдан бош тортишга ҳамда ба-

¹ Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) рўйхати МЖтК ХVIII бобида (“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги”) келтирилган.

ённоманинг мазмуни юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришга, баён-номага имзо қўймаслигининг сабабларини баён этишга ҳуқуқ беради.

Баённомани тузиш пайтида, ваколатли мансабдор шахс ҳуқуқбузарга МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқлари, шу жумладан, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга ҳақли эканлиги ҳамда мажбуриятлари тушунтирилиши лозим. Бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Юқорида таъкидланганидек, адвокат томонидан ўз вазифаларининг тўла-тўқис амалга оширилиши, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошланади. Бунда ордерни тақдим этган пайтдан бошлаб адвокат расмий равишда:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш;
- уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилиш;
- уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ва бошқаларга ҳақли бўлади (МЖТК 297-модданинг 2-қисми). Ишга оид материалларга кирадиган, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома билан танишиб чиқишда, адвокат, авваломбор:
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш учун асос борлигини;
- баённомани тузишга қўйиладиган талаблар ва қоидаларга риоя қилинганликни;
- баённоманинг мазмунига оид камчиликларнинг йўқлигини аниқлаши керак. Хусусан, МЖТК 271-моддасига (“Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар”) кўра, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:
 - 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки белгиси йўқ бўлса;
 - 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш пайтида шахс 16 ёшга тўлмаган бўлса;

- 3) гайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида содир этганда;
- 5) амнистия актининг чиқиши, агар у маъмурий жазо чораси қўлланилишини бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида МЖтК 36-моддасида назарда тутилган муддатлар (бир йил) ўтиб кетган бўлса;
- 8) ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан шу факт юзасидан маъмурий жазо бериш ёки ишларни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган бўлса, шунингдек, мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлса;
- 9) ишни юритиш пайтида шу шахс вафот этган бўлса;
- 10) ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса.

Мазкур ҳолатларнинг бири мавжудлигида адвокат шикоят қилишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолатда, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ва бошқа ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг юритилиши ва кўриб чиқилиши дарҳол тўхтатилиши лозим бўлади.

Қонун билан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилишига ва унинг мазмунига қўйиладиган талабларга ваколатли орган (мансабдор шахс) томондан риоя қилмаслик адвокатнинг шикояти учун асос бўлиши мумкин.

Адвокат илтимосномалари, уларнинг мазмунидаги масалаларга оид ишонч билдирувчи шахснинг розилигини билдирувчи имзо билан расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Баённомани жойида тузишнинг иложи бўлмаган ҳолларда, МЖтК 284-моддасига мувофиқ, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс

ҳуқуқбузарни ички ишлар органлари биносига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳуқуқбузар ушлаб келтирилганда (МЖтК 284-моддаси), адвокат қуйидагиларни аниқлаши керак:

- шахснинг ушлаб келтирилишига қонуний асослар бор ёки йўқлиги;
- ушлаб келтириш чорасини қўллаган мансабдор шахс бунга ваколати борлиги;
- ҳуқуқбузар ички ишлар органларига қисқа муддатга олиб келинганлиги;
- ҳуқуқбузар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига бир соатдан ортиқ бўлмаган муддатга олиб келинганлиги.
- Ҳуқуқбузарни ушлаб келтиришга оид мазкур талабларнинг бирортасининг бузилганлигини аниқлаган адвокат мансабдор шахсдан:

- 1) ушлаб келтирилган шахсни дарҳол қўйиб юборишни талаб қилиш;
- 2) бу ҳақда юқори турувчи органга ёки прокурорга шикоят қилишга ҳақли бўлади.

Қонун, ваколатли орган (мансабдор шахс)га маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсга нисбатан маъмурий йўл билан ушлаб туриш, уни шахсан кўрикдан ўтказиш, ундан ашё ва ҳужжатлар олиб қўйиш, унинг транспорт воситасини кўздан кечириш, транспорт воситасини бошқаришдан четлатиш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш каби маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш ҳуқуқини беради.

Мазкур чораларни қўллаш асослари ва амалга ошириш тартиби МЖтК 286, 287, 289, 290, 291, 292-моддаларида батафсил кўрсатиб ўтилган. Бунда, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг вакили сифатида қатнашувчи адвокатнинг вазифаси, ушбу чораларни назарда тутувчи моддаларда кўрсатилган асос ва тартиблар доирасида қўлланилганлигини аниқлашдан иборат бўлади. Масалан, шахснинг ушлаб турилиши уч соатдан ошса, унинг ушлаб турилган жой ҳақида қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги

маъмуриятга хабардор қилиш илтимоси қаноатлантирилмаса, вояга етмаган шахс ушлаб турилганда эса унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар хабардор қилинмаса, адвокат юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлади. Бинобарин, адвокатнинг бундай шикоят қилишга ушлаб туриш чораси ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан қўлланилмаганлиги, маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённоманинг тузилмаганлиги, маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари бузилганлиги асос бўлиши мумкин.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА АДВОКАТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилишидан олдин адвокатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материаллари билан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун адвокат тегишли жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди раисига ёки мазкур ишни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга ваколатли орган (мансабдор шахс)га мурожаат этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материаллари билан танишганда, адвокат давлат органи мансабдор шахслар (масалан, инспекторлар, санитария врачлари ва бошқ.) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган баённомани ва бошқа ҳужжатларни (тушунтириш хати, экспертиза тайинлаш ҳақида қарори ва экспертиза юзасидан хулоса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишиб чиққанлиги ҳақида тилхат) ҳамда ишга оид ашёвий далилларни ўрганиб чиқади.

Бунда, адвокат ишни кўриб чиқувчи ваколатли орган (мансабдор шахс) номига ўзи ёки ҳуқуқбузар номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтини кечиктириш тўғрисида илтимоснома киритишга ҳақлидир.

Далилий ашёларни таҳлил қилишда, айниқса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид ҳужжатларни ўрганишда адвокат фаол позицияни эгаллаши керак бўлади. Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ҳужжатларни ўрганишда адвокат, қуйидагиларни аниқлаши мақсадга мувофиқ:

- жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар;
- эксперт хулосасидаги ноаниқликлар;
- мутахассис маслаҳатидаги тушунмовчиликлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид процес-



суал ҳужжатлардаги камчиликлар (ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомаси, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор ёки эксперт хулосаси ва бошқа маъмурий ишга оид процессуал ҳужжатлардаги камчиликлар).

- Мазкур ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари, адвокатнинг илтимосномаси ёки шикоятда ўз ифодасини топиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан адвокатнинг фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига (“Адвокатнинг ҳуқуқлари”) асосан, адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда ва бошқа ваколатли органларда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, албатта баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқларига эгадир. Бундай далилларни тўплашда, таъкидланган қонуннинг 7¹-моддасига (“Адвокат сўрови”) асосан давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мазкур органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш масалалари юзасидан юбориладиган адвокатнинг сўрови алоҳида аҳамиятга эгадир.

Умумий қоидага кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

Вояга етмаганлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари томонидан ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат ҳам мазкур комиссияларнинг мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тас-

диқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисидаги низомида кўрсатилган чоралар қўлланилади¹². Бироқ, МЖТК 14-моддаси 2-қисмида таъкидланганидек, масалан, вояга етмаганлар ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги ҳақидаги ишлар ушбу комиссияга берилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш муддатлари МЖТК 305-моддасида белгиланган. Умумий тарзда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади. Ушбу муддат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Мазкур муддат МЖТК 305-модданинг 2, 3, 4-қисмларида назарда тутилган ҳолатларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу модданинг таъкидланган қисмларида келтирилган муддатлар ҳуқуқбузарлик тури, уни содир этган шахси ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланган. Масалан, МЖТК 170-моддасида (“Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш”) назарда тутилган ишлар — уч сутка ичида, МЖТК 61-моддасида (“Оз миқдорда талон-тарож қилиш”) назарда тутилган ишлар — беш сутка ичида (МЖТК 305-модданинг 2-қисми), МЖТК 225-моддасида (“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш”) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда — бир сутка мобайнида кўриб чиқилади (МЖТК 305-модданинг 3-қисми).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ваколатли орган (мансабдор шахс)лар томонидан ёхуд МЖТК 245-моддасида назарда тутилган ҳолларда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида мажлис шаклида кўриб чиқилади.

Ишни кўриб чиқиш жараёнида мажлисда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади, тушган илти-

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.



мослар кўриб чиқилади ҳамда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ёки ваколатли орган (мансабдор шахс) ҳузуридаги ўтказилаётган мажлисда қатнашувчи адвокатнинг сўзлари эшитилади, у томондан келтирилган далиллар ўрганилади ва ундан келиб тушган илтимосномалар кўриб чиқилади (МЖТК 306-моддаси). Хусусан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мажлисида сўзга чиққан адвокат, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишда, маъмурий ҳуқуқбузарликни малакалашда, ишни кўриб чиқиш жараёнида ёки мажлисни олиб бораётган ваколатли орган (мансабдор шахс) ёхуд мажлисининг бошқа иштирокчилари томонидан йўл қўйилган жиддий камчиликлар ҳақида (масалан, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларнинг эътиборга олинмаганлик, далилларнинг тўлиқ ўрганилмаганлик ва бошқ.) маъмурий ҳуқуқбузар деб топилган шахсга берилган ижобий тавсифномалар ва унинг манфаатларига оид ишга тааллуқли бошқа ҳолатлар ҳақида маълумот бериши ва эътирозлар билдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон қарори 11-бандида, “Суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бўлган, МЖТК 307-моддасида назарда тутилган барча ҳолатларни аниқлаши зарур” лиги таъкидлаб ўтилган. Бу ўз навбатида, адвокат

томонидан, мазкур Пленум қарорига мурожаат этган ҳолда, суддан нафақат тақдим этилган материалларни қайта текшириши, балки, зарурат бўлганда, масалан, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган мансабдор шахсни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш бўйича илтимосномалар киритишга асос бўлади. Чунончи, адвокатнинг асослантирилган илтимоснома-сига мувофиқ, суд ёки ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги масалаларни ҳал этиш учун судда уч сутка ичида кўриб чиқилиши лозим бўлган, келтириб ўтилган тақдимномаларни юбориши мумкин:

- 1) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида (содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида хулосага келса);
- 2) енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақида (энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса) (МЖТК 308¹-моддаси).

Мажлисида нутқ сўзлаётган адвокат ҳимоя нутқининг асосий мақсади, мажлис иштирокчиларини (судга раислик қилувчини, мансабдор шахсни) иш бўйича адвокат танлаган ҳимоя позициясининг тўғрилигига ишонтира олишга ҳаракат қилиши керак бўлади.

Мажлис музокарасида вазиятдан келиб чиқиб адвокат юридик ёрдам кўрсатилаётган шахсни оқлаш, унинг хатти-ҳаракатларини модданинг енгилроқ қисми бўйича малакалаш, ҳуқуқбузар шахс томонидан айбини тўлиқ тан олганида эса қилмиш учун жавобгарликни юмшатиш каби якуний ҳимоя позицияларини илгари суриши мумкин.

Бинобарин, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс номидан адвокат, суд мажлисига раислик қилувчи ёки ваколатли орган (мансабдор шахс) иштирокида, қарор чиқарилганига қадар жабрланувчига ярашиш таклифи билан мурожаат этишга ҳақлидир (МЖТК 313¹–313⁵-моддалари).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида баённома юритилади ва ишни кўриб чиқувчи суд мажлисига раислик қилувчи ёки ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан имзоланади.

МЖТК 308-модда 6-қисмига асосан, ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқарилган шахс, жабрла-

нувчи ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган ўз ҳисобидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхасини, шунингдек суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзувини олишга ҳақли эканлиги таъкидланган.

Ишни кўриб чиққан суд мажлисига раислик қилувчи ёки ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинган ва дарҳол эълон қилинган қарорнинг нусхаси уч кун ичида манфаатдор шахсларга (устидан шу қарор чиқарилган шахсга, жабрланувчига) тилхат ёки ишга тегишли ёзув ёзиб қўйиш орқали тақдим этилади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ЮЗАСИДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРОР ХУСУСИДА АДВОКАТНИНГ ШИКОЯТ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорнинг нухаси олинган кундан эътиборан, адвокат ўн иш куни ичида ушбу қарорни қабул қилган ваколатли орган (мансабдор шахс) устидан юқори турувчи ваколатли орган (мансабдор шахс) ёки жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан эса апелляция инстанцияси судига йигирма сутка ичида шикоят бериш ҳуқуқига эгадир (МЖТК 316, 324³-моддалари).

Адвокат томонидан берилган шикоят кўриб чиқилгунга қадар, маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор тўхтатиб турилади (МЖТК 318-модда).

Шу ўринда, ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор билан жарима солинган бўлса, ҳуқуқбузар шахс эса айбини бўйнига олса, у адвокат томонидан жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби борлигидан хабардор қилиши мақсадга мувофиқдир (МЖТК 332¹-моддаси).

Шикоят келиб тушган кундан эътиборан, уч сутка ичида қарор чиқарган ваколатли орган (мансабдор шахс) шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори турувчи ваколатли органга (мансабдор шахсга), жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди эса апелляция инстанцияси судига шикоят билан бирга маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш материалларини юбориши лозим (МЖТК 315, 324¹-моддалари).



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида, биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикояти эса у ишнинг барча материаллари билан келиб тушган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида кўриб чиқилади (МЖТК 319, 324⁵-моддалари).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан апелляция инстанцияси судида иш юритиш қонун билан тартибга солинган (МЖТК XXIV¹ бобининг 1-параграфи). Бинобарин, қонун адвокатга кассация тартибида ҳам шикоят бериш ҳуқуқини беради (МЖТК 324¹¹-моддаси). Бунда, биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича апелляция тартибида кўрилган қарорлари ва апелляция инстанцияси судининг қарорлари чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида, улар устидан шикоят, кассация тартибида кўриб чиқилиши учун бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади (МЖТК 324¹²-моддаси).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан шикоят бериш тартиби



Апелляция шикояті апелляция инстанцияси суди томонидан ўн беш сутка ичида, кассация шикояті эса бир ойгача бўлган муддатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш талаб қилиб олинган тақдирда эса, икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши лозим (МЖТК 324⁵, 324¹⁶-моддалар).

Қонунда, мазкур муддатлардан истисно ҳолатлар ҳам келтирилган, уларга масалан, айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар моҳиятининг таъсири, маъмурий қамоққа олиш ёки маъмурий тартибда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорлари билан боғлиқ ҳолатлардир.

Апелляция шикояті, тегишлича апелляция инстанцияси суди мажлисида, кассация шикояті эса кассация инстанцияси суди мажлисида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кассация тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади. Қонун, апелляция ва кассация инстанциялари суди мажлисида адвокатнинг иштироки ҳақида тўғридан-тўғри маълумот келтирмаган. Бироқ, МЖТК XXIV¹ бобининг (“Жиноят ишлари бўйича суднинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини (ажримини) қайта кўриш бўйича иш юритиш”) моддаларида мавжуд қоидаларнинг таҳлили, апелляция ва кассация инстанцияларида, адвокатнинг жабрланувчи



ёки ҳуқуқбузарнинг вакили сифатида қатнашиши мумкинлигидан далолат беради.

Шу боис, апелляция шикоятини кўриш тартибини белгиловчи, МЖТК 324⁷-моддасига мувофиқ, апелляция суди мажлисида ҳозир бўлган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг вакили сифатида иштирок этаётган адвокат, иш юзасидан тушунтириш бериш, илтимосномалар тақдим этиш ҳамда суд музокараларида қатнашиш имкониятига эга.

МЖТК 324²¹-моддасига асосан, кассация инстанциясида адвокат, томонларнинг вакили сифатида иштирок этиб, суд мажлисида тушунтириш беришга ҳақли. Ишни апелляция тартибида кўриб чиқилганда қарор, кассация тартибида кўриб чиқилганда эса ажрим қабул қилинади.

Кассация инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан кассация протести келтирилиши мумкин.

Бундай протест, мазкур ишни кўришда илгари иштирок этмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг уч нафар судьяси иштирокида, МЖТК XXIV¹ бобининг 2-параграфида назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда такроран кассация тартибида кўриб чиқилади (МЖТК 324²⁵-моддаси).

Такроран кассация тартибида кўрилган шикоят натижасида кассация инстанцияси суди томонидан илгари қабул қилинган ажрим бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Иқтисодий судлар иқтисодий низоларни ҳал этиши ёки фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролик ишларининг муҳокамаси чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган ҳолларда, тегишлича МЖТК 245¹, 245⁴-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳақлидир.

Бу ҳолатда, адвокат томонидан шикоятни бериш тартиби, тегишлича Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Берилган шикоятлар ўз тасдиғини топмаган тақдирда, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдор шахс)

томонидан ижрога қаратилади (МЖтК 326-моддаси). Бинобарин, МЖтК 332-моддасига кўра, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай, бундай қарор устидан шикоят берилган



тақдирда эса шикоят қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу МЖтК 332-модда 2-қисмига асосан, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ҳолларда эса, шикоят қаноатлантирилмай қолдирилганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши кераклиги белгиланган.

Адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиладиган шахсга мазкур қоидаларнинг мазмуни ҳамда бу қоидаларга риоя этмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилиши керак.

Қонунда маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкинлиги таъкидланган (МЖтК 36-модда).

Демак, мазкур муддат ўтганда, адвокат юридик ёрдам кўрсатилётган шахсга нисбатан қўлланилган маъмурий жазонинг қонунга зидлиги бўйича шикоят келтиришга ҳақли бўлади.

Маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатларда (масалан, алимент ундириш — бир ойгача) кечиктирилиши мумкин (МЖтК 328-моддаси). Чунончи, адвокат, маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой давомида орган (мансабдор шахс) томондан ижрога қаратилмаган бўлса, бундай қарор ижро этилмаслиги кераклигини унутмаслиги лозим (МЖтК 330-моддаси).

Маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор нусхасини олган адвокат, мазкур қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар бор-йўқлигини аниқлаши лозим.

Маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор нусхасини олган адвокат мазкур қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар бор-йўқлигини аниқлаши лозим.

Маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришга оид асослар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:


- орган (мансабдор шахс) томонидан ишнинг тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши;
- орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва МЖтК махсус қисмининг қўлланилган нормалари ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши;
- қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги ва бошқ.
- Шу ўринда, масалан, қонуний кучга кирган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, била туриб ёлғон таржима қилинганлиги аниқланса, МЖтК 3-параграфида (МЖтК 324²⁷–324³⁵-моддалари) белгиланган тартибда, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш амалга оширилади. Бинобарин, қонуннинг мазкур 3-параграфидаги 324³¹-моддасининг 3-қисм учинчи банди мазмунидан келиб чиқиб, ариза аризачининг вакили томонидан имзоланиб берилиши мумкинлиги белгиланган. Бу ўз навбатида, аризачининг вакили сифатида адвокат иштирок этиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритишга асос бўлади.

МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧИДА АДВОКАТНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилиги билан белгиланган муддатларда, маъмурий жазо қўлла- ниши тўғрисидаги суд ва бошқа органлар (мансабдор шахс) қарорла- рининг ихтиёрий ижро этилмаслиги, бундай қарорларни Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни билан белгиланган тартибга ижро этиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, суд ва бошқа органлар қарорларининг мажбурий равишда ижро этилишини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (МИБ) органлари давлат ижро- чиларига юклатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган- лар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига (“Ижро иши юритишда тарафлар вакилларининг иштироки”) асосан, жисмоний шахслар ижро иши юритишда мустақил равишда ёки ва- киллари орқали иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган.



Мазкур қонунда, адвокат иштирокини чеклашга қаратилган қонданинг йўқлиги, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда, адвокатнинг тарафнинг (ундирувчи ёки қарздор) вакили сифатида иштирок этиши мумкинлигидан далолат беради (бундан, ижро ҳужжатининг хусусияти қарздорнинг ёки ундирувчининг шахсан иштирокини талаб қилган ҳоллар истисно). Масалан, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг мажбурий ижро этилишини таъминлаш мақсадида, ваколатли орган (мансабдор шахс) идоранинг расмий бланкасида жарима солиш ҳақидаги қарорни мажбурий ижро этиш учун юбориш ҳақидаги ҳужжатни Мажбурий ижро бюроси органларига юборади (МЖТК 333-модда).

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунининг 3-бобида (Қонуннинг 23–43-моддалари) белгиланганидек, ижро ҳужжатини олган пайтдан эътиборан, давлат ижрочиси бир иш куни ичида ижро иши юритишни кўзгагиш тўғрисида қарор чиқариши ҳамда давлат ижрочиси томонидан қарздорга қарорнинг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган ўн беш кунлик муддат тутаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида қарорнинг ижро этилишини таъминлаши лозим (Қонуннинг 23, 30-моддалари). Бу ўз навбатида, давлат ижрочиси томонидан юқорида қайд қилинган ижро иши юритилишига оид талаб ва қондаларга риоя қилмаслиги адвокатга шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

Қонунда, давлат ижрочиси томонидан чиқарилган қарор устидан, тарафнинг вакили ўн кунлик муддатда шикоят бериши мумкинлиги белгиланган. Ушбу муддат қарор ҳақида тарафларга хабар қилинган кундан эътиборан бошланади.

Амалга оширилган барча саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бермаганда, масалан, вакил қарздорга ундирувчи билан келишиш мақсадида,

медиация институтидан фойдаланишни тавсия этиши мумкин.

Бу ҳолатда қарздор, ундирувчига мурожаат этиб, низони ўзаро мақбул қарорга эришиш орқали ҳал этишни таклиф қилади. Бунда, ундирувчи медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғриси-



даги ариза билан мурожаат қилганда, ижро иши ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади (Қонуннинг 36-моддаси).

Агар, ундирувчи ва қарздор медиатив келишувни расмийлаштиради, ижро иши юритиш давлат ижрочиси томонидан тугатилади (Қонуннинг 37-модда).

Юритилиши тугатилган ижро ҳужжати ижро иши юритиш материалларида қолади ва такроран ижрога қаратилиши мумкин эмас (Қонуннинг 39-моддаси).

Ундирувчи ва қарздор ўртасида ижро предмети юзасидан келишувга эришилмаганда, шунингдек тарафлардан бири медиацияни давом эттиришдан воз кечганда ёки уни амалга ошириш муддати тугаганда ижро ишини юритиш давлат ижрочиси томонидан қайта тикланади (Қонуннинг 36-моддаси).

Ижро иши қайта тикланганда, масалан, қарздорнинг вакили давлат ижрочисига қуйидаги илтимосномалар билан мурожаат этиши мумкин:

- ижро ҳужжати ижросини кечиктириш;
- ижро ҳужжатини бўлиб-бўлиб ижро қилиш;
- ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш;
- ижро иши юритишни тўхтатиб туриш.
- Суд ёки давлат ижрочиси томонидан, қарздорнинг вакили илтимосномалари рад этилган тақдирда, қарздор суд ёки бошқа органлар (мансабдор шахс) қарорларидан келиб чиққан мажбуриятларни бажаришга мажбур бўлади. Мазкур жараёнда қарздор вакили (адвокат), масалан, жарима қарздорнинг ундириб олиниши мумкин бўлмаган мол-мулкка қаратилган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик, қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслик (МЖТК 198¹-модда) ёки суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (МЖТК 198²-модда) учун маъмурий жавобгарликка ёхуд суд ҳужжатини ижро этмаслик (ЖК 232-модда) учун жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Бу ўз навбатида, адвокатга мазкур моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятнинг юридик тавсифини чуқур билишни ва қонунда белгиланган тартибда қарздорни, тегишли процессуал тартибда самарали юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш вазифасини юклайди.

ХУЛОСА

Суд-ҳуқуқ соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеи ошириб борилиши, энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари самарали ҳимоя қилиниши билан ажралиб туради.

Шу ўринда, адвокатура институтининг ривожланиши янги босқичга чиқди, десак муболаға бўлмайди. Бу ўз навбатида, адвокатларнинг ўз касбий фаолиятига оид мажбуриятларига нисбатан масъулиятларини оширишни, адвокатлар сафини юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни, адвокатларнинг мунтазам равишда ўз устида ишлашини, уларнинг касб этикасига риоя қилишларини, ўзларининг ижобий томонлари билан бошқаларга ўрнак бўлишларини ва шу орқали нафақат ўзининг, балки бутун адвокатуранинг шаъни, қадр- қиммати ва обрўсини кўтариб юришни талаб этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ, ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ ВА АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Назорат саволлари:

1. Адвокатнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни юритиш босқичларида қайси принцип асосида иштирок этиши, самара беради?
2. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун қонунда қандай жавобгарлик белгиланган?
3. Қайси пайдан бошлаб адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашиши мумкин?
4. МЖТК 297-моддасига (“Адвокат”) асосан адвокат ҳуқуқларига нималар киради?
5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш мажлисда кўриб чиқилганда, адвокатнинг ҳуқуқларига нималар киради?
6. МЖТК моддаси диспозицияси бланкет хусусиятга эга бўлганда, адвокат ушбу моддада ҳуқуқбузарликнинг белгиларини аниқлаш учун нима қилиши керак?
7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш мажлисида сўзга чиққан адвокат нималарга ҳақли?
8. Адвокат томонидан нималар бўйича илтимосномалар киритилиши мумкин?
9. Мажлис музокарасида адвокат томонидан илгари сурилган якуний ҳимоя позицияларидан бирини айтинг.
10. Қайси вақтга қадар жабрланувчига ярашиш таклифи билан мурожаат этилиши мумкин?
11. Жабрланувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирмасини кимнинг ҳисобидан нусхасини олишга ҳақли?
12. Қайси ҳолда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақти кечиктирилади?
13. Апелляция суди мажлисида, иштирок этувчи шахсларнинг вакили сифатида иштирок этаётган адвокат ҳуқуқларига нималар киради?

14. Кассация инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажрим устидан протест ким томондан келтирилиши мумкин?
15. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақидаги протест қайси муддатда келтирилиши мумкин?
16. Адвокат жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича қарор устидан шикоят қайси суд томонидан кўрилади?
17. Кассация тартибида кўриб чиқиладиган адвокат шикояти қайси органга берилди?
18. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунига асосан, адвокатнинг юридик ёрдами ҳақи қарздордан қайси навбатда ундирилади?

Тест топшириқлари:

1. Адвокат, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг кими сифатида судда қатнашади?
 - a) дўсти
 - b) вакили
 - c) тан соқчиси
 - d) ўртоғи

2. Адвокат томонидан нима бўйича илтимосномалар киритилиши мумкин?
 - a) судга раислик қилувчини рад этиш
 - b) экспертиза тайинлаш
 - c) мижозига оғирроқ жазо сўраш
 - d) илтимоснома берилмайди

3. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор қайси муддат давомида ижрога қаратилмаган бўлса, ижро этилмайди?
 - a) бир ой
 - b) икки ой
 - c) уч ой
 - d) ўн беш кун

4. Адвокат маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсинг кими сифатида судда қатнашади?
- a) вакили
 - b) эксперти
 - c) таниши
 - d) йўлбошловчи
5. Адвокат неча кун ичида ушбу қарорни қабул қилган ваколатли орган устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга?
- a) 25 иш куни ичида
 - b) 20 иш куни ичида
 - c) 15 иш куни ичида
 - d) 10 иш куни ичида
6. Адвокат жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича қарор устидан шикояти қайси суд томонидан кўрилади?
- a) назорат инстанцияси судига
 - b) апелляция инстанцияси судига
 - c) такроран кассация инстанцияси судига
 - d) кассация инстанцияси судига
7. Апелляция инстанцияси суди қарори устидан адвокатнинг шикояти қайси суд томонидан кўрилади?
- a) апелляция инстанцияси судига
 - b) назорат инстанцияси судига
 - c) кассация инстанцияси судига
 - d) такроран кассация инстанцияси судига
8. Адвокат неча кун ичида жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга?
- a) 20 сутка ичида
 - b) 25 сутка ичида
 - c) 40 сутка ичида
 - d) 50 сутка ичида

9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда қатнашаётган адвокат ҳуқуқларидан бирини кўрсатинг.
- a) талаб қилиш
 - b) илтимослар қилиш
 - c) буйруқ бериш
 - d) фармон чиқариш
10. Қайси муддатда адвокат апелляция инстанция суди қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга?
- a) бир ой ичида
 - b) уч ой ичида
 - c) беш ой ичида
 - d) олти ой ичида
11. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда қатнашиш учун адвокат нимани тақдим этиши керак?
- a) ордер
 - b) квитанция
 - c) шартнома
 - d) ишончнома
12. Қайси муддатда қарор чиқарган мансабдор шахс адвокат шикоятини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори турувчи ваколатли органга юбориши лозим?
- a) ўн беш сутка ичида
 - b) ўн сутка ичида
 - c) беш сутка ичида
 - d) уч сутка ичида
13. Мажлисида қатнашган адвокат нима бўйича илтимоснома киритмайди?
- a) жабрланган шахсни жавобгарликка тортиш
 - b) баённомани тузган мансабдор шахсни сўроқ қилиш
 - c) экспертиза тайинлаш
 - d) материалларни қайта текшириш

14. Адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс номидан жабрланувчига ярашиш таклифи билан мурожаат этиши мумкинми?
- a) ҳа
 - b) йўқ
 - c) МЖТКонунда ярашув мавжуд эмас
 - d) адвокат ўз номидан мурожаат этади
15. Кассация тартибида кўриб чиқиладиган адвокат шикоятни қайси органга берилади?
- a) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
 - b) Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати
 - c) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
 - d) Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди
16. Апелляция инстанцияси суди томонидан шикоятлар қайси муддат ичида кўриб чиқилиши лозим?
- a) 15 сутка ичида
 - b) 5 сутка ичида
 - c) 3 сутка ичида
 - d) 1 сутка ичида
17. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда қатнашаётган адвокат қандай ҳуқуқларга эга эмас?
- a) прокурорга шикоят қилиш
 - b) судга илтимослар қилиш
 - c) миждозни айблаш
 - d) юридик ёрдам кўрсатиш
18. Ҳуқуқбузарни ушлаб келтиришга оид талаблар бузилганда адвокат ҳуқуқларидан бирини кўрсатинг.
- a) прокурорга шикоят қилиш
 - b) бетараф бўлиш
 - c) ишдан ўзини рад этиш
 - d) жабрланган билан келишиш

19. Кассация инстанцияси суди томонидан шикоятлар қайси муддат ичида кўриб чиқилиши лозим?
- a) бир кунгача бўлган муддатда
 - b) уч кунгача бўлган муддатда
 - c) ўн кунгача бўлган муддатда
 - d) бир ойгача бўлган муддатда
20. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича қарор устидан шикоятлар кассация тартибда такроран Ўзбекистон Республикаси Олий судининг неча нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади?
- a) икки нафар судья
 - b) уч нафар судья
 - c) тўрт нафар судья
 - d) ўн нафар судья

Амалий машқлар:

1. Адвокат Д. туман ички ишлар органлари терговчиси Ч.га ўзининг паспортини кўрсатиб, айбланувчи З.нинг яқин қариндошлари илтимосига кўра айбланувчи билан учрашувга келганини айтди. Терговчи Ч. томондан адвокат илтимоси рад этилди.

Тошширик; Ички ишлар органлари терговчиси Ч.нинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

2. Ҳуқуқбузарлик содир этган фуқаро С. баённомани имзолашдан бош тортди. Ваколатли орган (мансабдор шахс) баённомага имзо қўймаганлиги сабабли фуқаро С.га унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаслигини айтди. Фуқаро С. ўз ҳуқуқларини билиш мақсадида баённомага имзо қўйди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда адвокат мазкур ҳолат юзасидан шикоят келтирди.

Савол: Адвокат шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи томонидан мажлисда қатнашувчи адвокат томонидан келтирилган далиллар ўрганилмасдан уларни рад этди.

Савол: Мажлис раисининг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

4. Жабрланувчига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхасини ўз ҳисобидан олиш ҳақли эканлиги маълум қилинди. Бундан норози жабрланувчи шикоят билан мурожаат этди.

Савол: Жабрланувчининг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

5. Муқаддам ўғрилиқ учун судланган фуқаро П. 50 Россия рублини сотаётган вақтда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Топшириқ: Фуқаро П.нинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

6. Кафеда ўз ўртоқлари билан ўн етти ёшга тўлганлигини нишонлаб ўтирган фуқаро Г. томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган майда безорилик содир этилди. Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суд фуқаро Г.га нисбатан 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Савол: Суд қарори тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

7. Суд мажлиси пайтида тартибни бузганлик учун иқтисодий суд томонидан фуқаро Г.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасига асосан беш суткага маъмурий қамоқ жазоси белгиланди.

Савол: Иқтисодий судлар маъмурий ишларни кўриб чиқишга ва жазо тайинлашга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан мансабдор шахс томонидан чиқарилган қарор хусусида, қарорнинг нухасини олган фуқаро Г. томонидан ўн беш кундан сўнг шикоят берилди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритувчи мансабдор шахс шикоятни рад этди.

Савол: Мансабдор шахснинг ҳаракатлари тўғрими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

9. Судланувчи Г. ўзига оид жиноят иши бўйича биринчи босқич судининг ҳукмидан норози бўлиб апелляция шикояти берган вақтда апелляция инстанциясида адвокатдан воз кечди.

Савол: Апелляция инстанциясида судланувчи адвокатдан воз кечиши мумкинми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

10. Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деб топиб, жиноят ишлари бўйича туман суди ҳуқуқбузар В.ни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланди.

Савол: Жиноят ишлари бўйича туман суди бундай қарорни қабул қилишга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

11. Фуқаро Д. маст ҳолда, кўчада кетаётган Р. исмли қизга нисбатан уятли сўзлар билан мурожаат этиб, қизга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик ҳаракатларини содир этди.

Топшириқ: Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Д. ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

12. Биринчи инстанция судининг сайловолди ташвиқот олиб борилганда номзоднинг ҳуқуқларини бузиш (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51⁴-моддаси) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан берилган апелляция шикоят, апелляция инстанцияси суди томонидан ўн беш кун ўтгач кўрилиши бошланди.

Савол: Апелляция инстанцияси суди ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

13. Биринчи инстанция судининг маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляция шикоят, апелляция инстанцияси суди томонидан уч кун ичида кўриб чиқиладиганлиги сабабли адвокат томонидан апелляция инстанция суди устидан шикоят қилинди.

Савол: Адвокатнинг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

14. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича апелляция инстанция судининг 2020 йилнинг февраль ойида чиқарилган қарорини қайта кўриш юзасидан адвокатнинг 2021 йил январь ойидаги кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан қабул қилинмади.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

15. Кассация инстанцияси суди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кассация тартибида кўриб чиқиб, биринчи инстанция судининг жарима жазо чорасини, қamoқ жазо чорасига ўзгартириш юзасидан ажрим чиқарди.

Савол: Кассация инстанция суди бундай ажрим чиқаришга ҳақлими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

16. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчи Ж. томонидан, унга нисбатан чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят берилди. Ўч кун ичида унинг шикояти қаноатлантирилмаганлиги ҳамда ўттиз кунда жарима тўланиши лозимлиги ҳақида хабар келиб тушди. Ҳайдовчи Ж. қонунда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 332-моддаси) бундай турдаги жарима солиш тўғрисидаги қарорлар чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кунда тўланиши кераклиги ёзилганлиги ва унда йигирма олти кун вақти борлигини вaж қилди.

Савол: Ҳайдовчи Ж. ҳақми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

17. Майда безорилик содир этган фуқаро П.га нисбатан ўн беш сутка муддатга маъмурий қamoқ жазоси тайинланди. Янги очилган ҳoлатлар бўйича жиноят ишлари бўйича туман суди фуқаро П.ни айбсиз деб топди. Маъмурий жазони ўтаган даврида фуқаро П. доимий иш жойида иш ҳақи тўланиши тўхтатилди. Фуқаро П. унга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қoплашни талаб қилиб, судга мурожаат қилди.

Савол: Фуқаро П.нинг талаби қаноатлантириладими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

18. Коммунал тўловлар бўйича қарздорликни ундириш мақсадида Давлат ижрочиси томонидан ундирув қарздорнинг бошқа шахсга ишончнома орқали берилган “Матиз” русумли автомобилга қаратилди. Қарздор ишончнома нотариал идорада расмийлаштирилганлиги сабабли Давлат ижрочиси ҳаракатлари ноқонуний деб шикоят берди.

Савол: Давлат ижрочиси ҳаракатлари қонунийми?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

19. Кассация инстанцияси судида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни такроран кўришда иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг уч нафар судьялардан бири мазкур ишни кассация тартибида кўришда иштирок этганлиги бўйича адвокат томонидан шикоят берилди.

Савол: Адвокатнинг шикояти асослими?

Жавобингизни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ асослаб беринг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЮРИДИК АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т./ <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/111453>

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/111460>

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. — Т./ <https://lex.uz/docs/97664>

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 258-II-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни/ <https://lex.uz/docs/26477?ONDATE=15.12.2007%2000>

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон “Судлар тўғрисида”ги Қонуни/<https://lex.uz/docs/5534923>

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 27 декабрдаги 349-I-сон “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 февралдаги ЎРҚ-749-сон Қонуни таҳририда)/ <https://lex.uz/docs/54503>

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сон “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сон “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Юридик адабиётлар:

Бахрамов Х. Х., Селиманова С. М. Административная ответственность: обстоятельства влияющие на назначение наказания // Ҳуқуқ-Право-Law. –2005. — №3. — С.78–79.

Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей / Д. Карнеги; пер. с англ. Л. А. Кузьмина. 8-е изд. — Минск: Попурри, 2015.

Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари [Матн]. — Тошкент: Baktria press, 2018. — 408 б.

Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икрамов ва И. А. Хамедов таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 532 б.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Н. Йўлдошев таҳрири остида. — Т.: Адолат, 2014. — 272 б.

Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари [Матн]. — Тошкент: Baktria press, 2018. — 408 б.

Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фаолияти: Маърузалар курси / А. С. Турсунов, Қ. А. Саитқулов ва бошқ. Масъул муҳаррир Б. А. Матлюбов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. — 125 б.

Саломов Б. Адвокат ва касбий маҳорат муаммолари//«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2019.№1. — Б.10.

Тошниёзов Н. Адвокат ҳақ, суд ноҳақ эди...//«Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-оммабоп журнали, 2018. — №3. — Б.12-20.

Хамедов И. А., Хван Л. Б., Цай И. М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть: Учебник: Ун-т мировой экономики и дипломатии, Ташк. гос. юрид. ин-т. — Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. — 592 с.

Erkin Xojiyev. Ma'muriy jarayon (ilmiy-nazariy qarashlar, qonunchilik tahlili, mavjud muammolar, isloh etishy yo'llari). O'quv qo'llanma. —Т.: Adabiyot uchqunlari, 2016. — 276 б.

O'zbekiston Respublikasida ma'muriy javobgarlik: Ma'ruzalar kursi / O'. X. Muxamedov, N. T. Ismoilov, D. D. Babayev va boshq. — Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — 300 б.

Мундарижа

Кириш	3
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ҳуқуқий асослари	4
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда адвокат иштирокининг хусусиятлари	7
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда адвокатнинг ҳуқуқлари	13
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида адвокатнинг шикоят бериш тартиби ва муддатлари	19
Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларнинг мажбурий ижро этиш босқичида адвокатнинг ўрни	25
Хулоса	28
Назорат саволлари, тест топшириқлари ва амалий машқлар ...	29
Тавсия этиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётлар	40

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича
адвокат иштирокининг хусусиятлари
Ўқув-амалий қўлланма

Муҳаррир: У. Раджабова

Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: А. Холматов

Босишга рухсат этилди 30.05.2022 й. Бичими _____.
«Minion Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Босма табағи _.

Адади 100 нусха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»

100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25

Тел.: +998 (71) 233-23-84

e-mail: baktriapress@gmail.com

MEGA BASIM MЧЖ босмаҳонасида чоп этилди

Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.

www.mega.com.tr.